

## ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь – июнида Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ҳажми жорий нархларда 152 533,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 4,9 % га ўсди. ЯИМ дефлятори индекси 2017 йилнинг январь – июнидаги нархларга нисбатан 135,4 фоизни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ 4 653,5 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,1 % га юқоридир.

### Январь-июнь учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ ишлаб чиқариш

	Млрд. сўм		2017 йил январь-июнга нисбатан % ҳисобида	ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси, %
	2017й.	2018й.		
<b>ЯИМ - жами</b>	<b>107 397,3</b>	<b>152 533,4</b>	<b>104,9</b>	<b>4,9</b>
<i>шу жумладан:</i>				
<b>Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>94 610,8</b>	<b>130 445,0</b>	<b>105,0</b>	<b>4,4</b>
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	16 301,3	21 863,9	102,7	0,4
саноат	24 645,4	39 865,2	106,1	1,4
қурилиш	6 996,7	9 649,3	109,7	0,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	10 207,0	12 499,3	101,7	0,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	11 045,1	13 839,8	105,6	0,6
бошқа хизмат тармоқлари	25 415,3	32 727,5	105,0	1,2
<b>Маҳсулотларга соф солиқлар</b>	<b>12 786,5</b>	<b>22 088,4</b>	<b>104,5</b>	<b>0,5</b>

Иқтисодий ўсиш суръати иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий динамика билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (кейинги ўринларда ЯҚҚ) ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 85,5 % ини ташкил этди ва 5,0 % га ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 4,4 фоиз

пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 14,5 % ни ташкил этди ва 4,5 % даражасида ўсиш қайд этилди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,5 ф.п.).

ЯИМ ўсиш суръатига хизматлар соҳаси энг катта таъсир кўрсатди (1,9 ф.п.) ва бу соҳа ўтган йилнинг январь-июнига нисбатан 4,4 % га ўсди. Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1,7 % га, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 5,6 % га ва бошқа хизматлар 5,0 % га ўсди.

Саноат тармоғининг қўшилган қийматида 6,1 % лик ўсиш қайд этилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМ мутлоқ ўсиш суръатига ижобий таъсири 1,4 ф.п. даражасида баҳоланди. Саноат тармоғидаги ижобий динамика тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғи қўшилган қийматининг 34,3 % га, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат тармоғи қўшилган қийматининг 0,9 % га ва бошқа саноат тармоқларининг 2,0 % га ўсиши ҳисобига таъминланди.


**Январь-июнь учун**  
**саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби**  
(жамига нисбатан % да)

	2017 й.	2018 й.	Физик ҳажм индекси, %
<b>Саноат</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>106,1</b>
<i>шу жумладан:</i>			
тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	17,1	25,1	134,3
ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати	72,5	66,8	100,9
саноатнинг бошқа тармоқлари	10,4	8,1	102,0

Қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 9,7 % га ўсди. ЯИМ нинг мутлоқ ўсишида қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,7 ф.п. даражасида баҳоланди.


2018 йилнинг январь – июни яқунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ҳам 2,7 % даражасида ижобий ўсиш суръати қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯИМ мутлоқ ўсиш суръатига таъсири 0,4 ф.п. ни ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-июнида ЯИМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси, %




Январь-июнь учун ЯИМ нинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан % ҳисобида)

2017 йил



2018 йил



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Ялпи қўшилган қиймат
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат
- Қурилиш
- Хизматлар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯИМ тармоқлари бўйича таркибидаги улуши ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 0,5 ф.п. га камайди ва 16,7 % ни ташкил қилди.

Саноатнинг улуши 26,1 % дан 30,6 % га ошди, қурилиш тармоғининг улуши эса, ўтган йилги даражада сақланиб қолди ва 7,4 % ни ташкил қилди.

Хизматлар соҳасининг ЯИМ тармоқлари бўйича таркибидаги улуши 45,3 % ни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 4,0 ф.п. га камайди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь – июнида **Қорақалпоғистон Республикаси** ЯХМ ҳажми жорий нархларда 4 947,9 млрд.сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг мос даври билан таққослаганда 3,5 % га ўсди. ЯХМ нинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 102,6 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 10,1 %), саноат – 104,0 % (36,3 %), қурилиш – 101,5 % (8,4 %), хизматлар соҳаси – 103,7 % (45,2 %) каби ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 2 677,6 минг сўмни ташкил этди ва 2,1 % га ўсди.

**Андижон вилояти** бўйича ЯХМ жорий нархларда 8 744,3 млрд.сўмни ташкил этди ва 7,8 % га ўсди. Иқтисодий ўсиш қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 105,8 % (ЯХМ таркибидаги улуши - 31,7 %), саноатда - 122,3 % (25,4 %), қурилишда – 105,2 % (5,7 %), хизматлар соҳасида – 103,2 % (37,2 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари натижасида таъминланди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 2 893,6 минг сўмни ташкил этди ва 6,0 % га ўсди.

**Бухоро вилоятида** ЯХМ ҳажми 2,2 % га ўсди ва 6 870,6 млрд.сўмни ташкил этди. ЯХМ нинг тармоқ таркибида ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,6 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 30,1 %), қурилишда – 103,8 % (11,3 %), хизматлар соҳасида – 103,7 % (38,7 %) ни ташкил этди. Шунингдек, 2017 йилнинг мос даври билан таққослаганда саноат тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 99,1 % ни ташкил этди (мазкур тармоқнинг ЯХМ таркибидаги улуши – 19,9 %). Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 0,8 % га ўсди ва 3 663,0 минг сўмни ташкил этди.

**Жиззах вилоятида** ЯХМ 4,8 % га ўсди ва 3 116,8 млрд.сўмни ташкил этди. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 104,9 % (ЯХМ таркибидаги улуши - 29,0 %), саноатда - 104,2 % (16,3 %), қурилишда – 105,4 % (10,6 %), хизматлар соҳасида – 104,7 % (44,1 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯХМ ҳажми 2 341,7 минг сўмни ташкил этди ва 2,9 фоизга ўсди.

**Қашқадарё вилояти** ялпи ҳудудий маҳсулоти 3,7 % га ўсди ва 9 816,6 млрд.сўмни ташкил этди. ЯХМ нинг ўсиши ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Жумладан: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ўсиш суръатлари 102,3 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 20,7 %), саноатда – 106,5 % (37,7 %), қурилишда – 100,1 % (7,9 %), хизматлар соҳасида – 102,3 % ни (33,7 %) ташкил қилди. Аҳоли жон бошига ЯХМ 1,7 % га ўсди ва 3 104,9 минг сўмни ташкил этди.

**Навоий вилоятида** ЯХМ ўсиши 3,9 % ни ташкил этди ва 8 663,0 млрд.сўмга етди. ЯХМ тармоқ таркибида ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,4 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 13,2 %), саноатда – 100,3 % (62,9 %), қурилишда – 133,7 % (4,7 %), хизматлар соҳасида – 107,7 % ни (19,2 %) ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 2,2 % га ўсди ва 9 010,8 минг сўмни ташкил этди.

**Наманган вилоятида** ЯҲМ 5 776,5 млрд.сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йилнинг мос даври маълумотларига нисбатан 3,9 % га кўпдир. ЯҲМ даги ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 105,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 29,6 %), саноат – 104,7 % (14,9 %), қурилиш – 104,7 % (6,1 %) ва хизматлар соҳасидаги – 102,7 % (49,4 %) ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2,1 % га ўсди ва 2 131,6 минг сўмни ташкил этди.

**Самарқанд вилоятида** ЯҲМ ҳажми 9 118,3 млрд.сўмни ташкил этди ва 2,4 % га ўсди. Ушбу ҳудудда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 100,5% (ЯҲМ таркибидаги улуши – 24,8 %), қурилишда – 109,0 % (7,8 %), хизматлар соҳасида – 103,4 % (46,8 %) ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Саноат тармоғида эса, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 2017 йилнинг январь - июнига нисбатан 99,8 % ни ташкил этди (ушбу тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 20,6 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ 0,4 % га ўсди ва 2 440,2 минг сўмни ташкил этди.

**Сурхондарё вилоятида** ЯҲМ 6,3 % га ўсди ва 6 216,9 млрд.сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг ўсишига таъсир қилувчи омиллар бўлиб, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 106,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 41,5 %), саноатда – 128,1 % (8,2 %), қурилишда – 105,3 % (8,3 %), хизматлар соҳасидаги – 102,7 % (42,0 %) ўсиш суръатлари хизмат қилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2 461,1 минг сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йилнинг мос даври маълумотларига нисбатан 4,1 % га кўпдир.

**Сирдарё вилоятида** ЯҲМ 3,1 % га ўсди ва 2 629,7 млрд.сўмни ташкил этди. Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ҳам ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Хусусан, ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 100,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 32,0 %), саноатда 105,7 % (27,1 %), қурилишда 105,2 % (5,3 %), хизматлар соҳасида 102,8 % (35,6 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 3 211,3 минг сўмни ташкил этди ва 1,4 % га ўсди.

**Тошкент вилоятида** ЯҲМ 13 877,7 млрд.сўмни ташкил этди ва 3,2 % га ўсди. ЯҲМ нинг ўсиши ҳудуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Жумладан: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 18,7 %), саноатда – 105,3 % (47,9 %), қурилишда – 106,2 % (3,2 %), хизматлар соҳасида – 101,6 % (30,2 %) ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2,0 % га ўсди ва 4 837,3 минг сўмни ташкил этди.

**Фарғона вилоятида** ЯҲМ 3,3 % га ўсди ва 9 409,4 млрд.сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг ўсиши ҳудуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 100,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 24,6 %), саноатда – 105,2 % (25,2 %), қурилишда – 107,7 % (6,0 %), хизматлар соҳасида – 103,2 % (44,2 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2 590,3 минг сўмни ташкил этди ва 1,7 % га ўсди.

**Хоразм вилоятида** ЯҲМ 4 737,7 млрд.сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йилнинг январь - июнига нисбатан 4,1 % га кўпдир. ЯҲМ нинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 102,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 28,4 %), саноат – 111,3 % (19,5 %), қурилиш – 104,0 % (9,0 %), хизматлар соҳасидаги – 102,3 % (43,1 %) ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2,5 % га ўсди ва 2 617,3 минг сўмни ташкил этди.

**Тошкент шаҳрида** ЯҲМ 22 752,7 млрд.сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йилнинг январь - июнига нисбатан 7,4 % га юқоридир. ЯҲМ ўсишининг асосий омиллари бўлиб, саноат – 106,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 31,5 %), қурилиш – 110,9 % (8,9 %), хизматлар соҳасидаги – 107,3 % (59,6 %) ижобий ўсиш суръатлари ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 5,6 % га ўсди ва 9 191,5 минг сўмни ташкил этди.

**2018 йил январь-июнь учун ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот**


	<b>ЯИМ (ЯҲМ)</b>		<b>аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ)</b>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>минг. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup></b>	<b>152 533,4</b>	<b>104,9</b>	<b>4 653,5</b>	<b>103,1</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	4 947,9	103,5	2 677,6	102,1
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	8 744,3	107,8	2 893,6	106,0
Бухоро	6 870,6	102,2	3 663,0	100,8
Жиззах	3 116,8	104,8	2 341,7	102,9
Қашқадарё	9 816,6	103,7	3 104,9	101,7
Навоий	8 663,0	103,9	9 010,8	102,2
Наманган	5 776,5	103,9	2 131,6	102,1
Самарқанд	9 118,3	102,4	2 440,2	100,4
Сурхондарё	6 216,9	106,3	2 461,1	104,1
Сирдарё	2 629,7	103,1	3 211,3	101,4
Тошкент	13 877,7	103,2	4 837,3	102,0
Фарғона	9 409,4	103,3	2 590,3	101,7
Хоразм	4 737,7	104,1	2 617,3	102,5
Тошкент ш.	22 752,7	107,4	9 191,5	105,6

2018 йилнинг январь – июни якунлари бўйича Андижон вилояти (107,8 %), Тошкент шаҳри (107,4 %) ва Сурхондарё вилоятида (106,3 %), юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Республика даражасига (104,9 %) нисбатан паст ўсиш суръатлари Бухоро (102,2 %), Самарқанд (102,4 %) ва Сирдарё (103,1 %) вилоятларида кузатилди.

Республика бўйича ЯИМ нинг шаклланишида Тошкент шаҳри 14,9 % улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Тошкент вилояти 9,1 % ва Қашқадарё вилояти 6,4 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМ ни шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (1,7 %), Жиззах (2,0 %), Хоразм (3,1 %) вилоятларига тўғри келмоқда.

1) Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда

**2018 йилнинг январь-июни учун ЯИМ ни шакллантиришда хуудларнинг иштироки**  
(ЯИМ га нисбатан % ҳисобида)



2018 йилнинг январь – июнь яқунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯҲМ таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Сурхондарё вилоятида (41,5 %), саноатнинг энг юқори улуши Навоий вилоятида (62,9 %), қурилишнинг энг юқори улуши Бухоро вилоятида (11,3 %), хизматлар соҳасининг энг юқори улуши эса, Тошкент шаҳрида (59,6 %) кузатилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯҲМ таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида (10,1 %), саноатнинг энг кам улуши Сурхондарё вилоятида (8,2 %), қурилишнинг энг кам улуши Тошкент вилоятида (3,2 %), хизматлар соҳасининг энг кам улуши эса, Навоий вилоятида (19,2 %) қайд этилди.

**2018 йил январь-июнь учун**  
**ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**  
*(жамига нисбатан % да)*

